



№ 86/17 - Й

20 20 yil " 10 " oktabr

**Учтепа туманини 2020-2021 йилларда комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш орқали “Қизил” худуддан чиқариш тұғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигига 2020 йилнинг 24 сентябр куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида худудларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари натижасига кўра республика бўйича 2019 йил якуни бўйича, Учтепа тумани ижтимоий-иктисодий ривожланиши «қоникарсиз» деб баҳоланди.

Бунинг сабаби Учтепа тумани худуди асосан туар-жой биноларидан иборат бўлиб, туманда хизмат кўрсатиш ва чакана савдога ихтисослашган. Эндиликда саноат ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада ҳар бир йўналиш бўйича таҳлил қилганимизда қўйидаги йўналишлар бўйича паст кўрсаткичлар қайд этилганлигини кўриш мумкин.

Худудларни ижтимоий-иктисодий рейтинг баҳолаш тизимининг энг юқори 31,25 балдан Учтепа тумани 2019 йил якуни бўйича жами 14,78 баллга эга бўлган. Бунда асосан бта асосий индикатори ҳамда 20 та субиндикатор кўрсаткичлари айнан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши билан боғлик бўлиб, ушбу кўрсаткичлар паст натижа билан баҳоланган.

Жумладан:

Биринчи индикатор, иктисодий ривожланиш ва самарадорлик кўрсаткичларида (Энг юқори 7,5 балл, Учтепа 0,85 балл):

Биринчи субиндикатори: Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажми (Энг юқори 1,5 балл, Учтепа 0,18 балл);

Иккинчи субиндикатори: Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми (Энг юқори 1,5 балл, Учтепа 0,18 балл);

Учинчи субиндикатори: Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси ҳажми (Энг юқори 1,5 балл, Учтепа 0,20 балл);

Тўртингчи субиндикатори: Аҳоли жон бошига тўғри келадиган марказлашмаган инвестициялар ҳажми (Энг юқори 1,5 балл, Учтепа 0,12 балл);

Бешинчи субиндикатори: Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳудудий экспорт ҳажми (Энг юқори 1,5 балл, Учтепа 0,16 балл).

Иккинчи индикатор бўйича, меҳнат бозорининг самарадорлиги кўрсаткичлари (Энг юқори 6,25 балл, Учтепа 3,39 балл):

Биринчи субиндикатори бўйича: Вақтинча ишлаш учун хорижга

кетганларнинг иқтисодий фаол аҳолининг умумий сонидаги улуши (Энг юқори 1,25 балл, Учтепа 0,02 балл);

Иккинчи субиндикатори бўйича: Мехнат бозорининг кескинлик даражаси (Энг юқори 1,25 балл, Учтепа 0,29 балл).

Учинчи индикатор бўйича, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва диверсификацияси кўрсаткичлари (Энг юқори 3,75 балл, Учтепа 0,36 балл):

Биринчи субиндикатори: Саноат ишлаб чиқаришининг экспортга йўналтирилганлиги (Энг юқори 1,25 балл, Учтепа 0,31 балл);

Иккинчи субиндикатори: Аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (Энг юқори 1,25 балл, Учтепа 0,05 балл).

Мазкур индикаторнинг учинчи субиндикатори Қишлоқ хўжалигига сувни тежаш технологияларини жорий этиш даражаси бўлиб, унинг энг юқори 1,25 бални ташкил этади. Бу субиндикаторни хисоблашда Тошкент шаҳри чиқариб ҳисобланмаган.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда Учтепа туманини мавжуд ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ҳолатини яхшилаш ва 2020 йил якуни билан “қониқарсиз” худуддан босқичма-босқич “яхши” худудга олиб чиқиши мақсадида ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4 ва 24-моддаларига асосан, ҳалқ депутатлари туман Кенгashi

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туман ҳокими (Ф.Абдуллаев)нинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уларнинг фаолияти “қониқарли” деб ҳисоблансан.

2. Учтепа туманини 2020-2021 йилларда комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш орқали “Қизил” худуддан чиқариш бўйича Учтепа туманини мавжуд ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ҳолатини яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Учтепа туманини 2020-2021 йилларда комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш орқали “Қизил” худуддан чиқариш бўйича туман ишчи гурухи таркиби 2-иловага асосан тасдиқлансан.

4. Ишчи гурухи (Ф.Абдуллаев) чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш билан бирга:

- Хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорлигини ошириш;
- Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларида маҳсулот (хизмат)лар ҳажмини ошириш;
- Тадбиркорлик субъектларининг яшовчанлигини ошириш;
- Янги тадбиркорлик субъектларининг ўсишини таъминлаш;
- Кичик бизнесда янги иш ўринлари яратишни ошириш.
- Аҳоли жон бошига ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;
- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмини ошириш;
- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган марказлашмаган инвестициялар ҳажмини ошириш;
- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси ҳажмини ошириш;
- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт ҳажмини ошириш;
- Аҳоли бандлиги даражасини ошириш;

- Хотин-қизлар бандлиги даражаси ошириш;
- Вақтингча ишлаш учун хорижга кетганларнинг иқтисодий фаол аҳолининг умумий сонидаги улушкини пасайтириш;
- Мехнат бозорининг кескинлик даражасини пасайтириш;
- Саноат ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлигини ошириш;
- Аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш;
- Мол-мулк ва ер соликлари тушумининг ўсишини таъминлаш;
- Ҳисобланган солик тўловларининг йиғилиш даражасини ошириш;
- Такрорий мурожаатлар сонини кескин камайтириш;
- Қаноатлантирилган мурожаатлар улушкини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратсин.

5. Ишчи гуруҳи ҳамда туман кенгашининг доимий комиссияларига чоратадбирлар **дастурида** белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича комиссия йиғилишларида муҳокама этиб бориш ҳамда мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш вазифалари юклатилсин.

6. 2021 йилнинг биринчи чорак якунида бўлиб ўтадиган Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида сектор раҳбарлари (Ф.Абдуллаев, А.Кораев, Р.Аширматов, С.Ахмедов)нинг 2020 йил якуни бўйича қайта хисоботлари тинглансин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссиясига юклатилсин.

Халқ депутатлари  
Учепа туман Кенгashi раиси



Ф.Абдуллаев

Халқ депутатлари Учтепа тумани  
Кенгашининг 2020 йил 10 октябрдаги  
2-чақириқ 17-сессияси  
*26/12-и*  
-сонли карорига  
1-илюва

**Тошкент шаҳар Учтепа туманини мавжуд ижтимоий-иқтисодий  
ривожлантириш холатини яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар  
ДАСТУРИ**

№	Курслаткч номи ва таҳлили	Йул кўйилган камчиликлар ҳамда фойдаланилмаган ресурс ва имкониятлар	Йул кўйилган камчиликни бартараф қилиш ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалия ошириш муддати	Ижро учун масъуллар	Эришиладиган натижавий курсатоҷиҷ		
						2020 йил якунни 1-юнинг	2021 йил 1-юнинг	2021 йил 2-юнинг
I. Иқтисодий ривожланниш ва салмандорлик курсатычлари бўйича:								
1	Саноат маҳсупотлари ишлаб чиқариш ҳажмини аҳоли жон бошига улушини ошириш	2020 йил якуни билан 3 трлн. 659,8 млрд. сумлик саноат маҳсупотлари ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли жон бошига улушини ошириш (2019 йил бу курсаткич 11,5 млн. сумни ташкил этган)	Тўлиқ кувватда ишламаётган 7 та йирик корхоналарнинг мавжуд муммопарини бартараф этган хода, шу жумладан банк кредитлари ажратилиши, ишлаб чиқариш линияларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш	2020 йил якунни	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужаев, О.Камилов), Давлат солиқ инспекцияси (Р.Аширматов), Статистика бўлими, Туман тижорат банклари	13,3 млн. сум	3,7 млн. сўм	7,6 млн. сўм
2	Хизмат курсатиш ҳажмини аҳоли жон бошига улушини ошириш	2020 йил якуни билан 3 трлн. 173,3 млрд. сумлик хизмат курсатиш ҳажмини ошириш ҳамда аҳоли жон бошига улушини 12,0 млн. сумга етказиш (2019 йил бу курсаткич 11,0 млн. сумни ташкил этган)	97 та инвестиция дастурига киритилган пойиҳалардан 50 та хизмат курсатиш пойиҳаларнинг обьектларда кўрилиш ишларини якунлаш Тўлиқ кувватда ишламаётган 3 та йирик корхоналарнинг мавжуд муммопарини бартараф этган хода, шу жумладан банк кредитлари ажратилиши ҳисобига хизмат курсатиш ҳажмини ошириш.	2020 йил 13 та 2021 йил 18 та 2022 йил 19 та	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужаев, О.Камилов), Давлат солиқ инспекцияси (Р.Аширматов), Статистика бўлими	12,0 млн. сум	3,2 млн. сўм	6,7 млн. сўм
3	Чакана савдо ҳажмини аҳоли жон бошига улушини ошириш	2020 йил якуни билан 4 трлн. 447,4 млрд. сумлик чакана савдо ҳажмини ошириш ҳамда аҳоли жон бошига улушини 16,2 млн. сумга етказиш (2019 йил бу курсаткич 13,3 млн. сумни ташкил этган)	2 871 та савдо корхоналарига онлайн назорат касса машиналарини урнатишни якунлаш ҳамда 1 413 та морасмий фаолият юритаёттанинг фаолиятини расмийлаштириш.	2020 йил якунни	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужаев, О.Камилов), Давлат солиқ инспекцияси (Р.Аширматов), Статистика бўлими	16,2 млн. сум	4,5 млн. сўм	9,2 млн. сўм
4	Марказлашмаган инвестициялар ҳажмини аҳоли жон бошига улушини ошириш	2020 йил якуни бўйича марказлашмаган инвестициялар ҳажмини 2 трлн. 636,2 млрд. сумга ошириш ҳамда аҳоли жон бошига улушини 9,6 млн. сумга етказиш (2019 йил бу курсаткич 7,7 млн. сумни ташкил этган).	Дастур доирасида амалга оширилаётган 97 та инвестиция пойиҳаларининг тармоқ-жадвалига асоссан ишга туширилшини босқич-босқич таъминлаш ишларини жадаллаштириш.	2020 йил 13 та 2021 йил 29 та 2022 йил 55 та	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужаев, О.Камилов), Давлат солиқ инспекцияси (Р.Аширматов), Статистика бўлими	9,6 млн. сўм	2,5 млн. сўм	5,1 млн. сўм
5	Туман бўйича худудий экспорт ҳажмини аҳоли жон бошига улушини ошириш	2020 йил якуни билан туман бўйича худудий экспорт ҳажмини 33,8 млн. АҚШ долларлари ошириш ҳамда аҳоли жон бошига улушини 123 АҚШ долларлари етказиш (2019 йил бу курсаткич 99 АҚШ долларларин ташкил этган).	Саноат маҳсупотлари ҳамда кишлоп ҳужалиги маҳсупотларини экспорт қиливчи 2 та йирик корхоналарни кўпласб-куватлаш ҳамда уларнинг (транспорт, ККС) бир қисмини бюджетдан қайтариш.	2020 йил якунни	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужаев, О.Камилов), Давлат солиқ инспекцияси (Р.Аширматов), Статистика бўлими	123 АҚШ долл.	33,5 АҚШ долл.	67,2 АҚШ долл.
II. Меднат бозорининг салмандорлиги курсатычлари бўйича:								
6	Мавжуд ишсиз аҳолининг бандлиги таъминлаш	Тумандаги мавжуд жами 2 592 нафар ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш. Буңда инвестиция пойиҳалари, узини узи банд қилиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш	Инвестиция дастури доирасида 4 410 та, узини узи банд қилиш бўйича 5 846 та ҳамда легаллаштириш орқали 4 415 та иш урнинари яратиш орқали ишсиз аҳолини ишга жойлаштириш, шу жумладан "Бандлликка кумаклашиш" дастури доирасида тадбیرкорлик истагида бўлган ишсиз фуқароларга жами 1 млрд. 250 млн. сумлик имтиёзли кредит ажратиш.	2020 йил якунни октябрь 110 та, ноябрь 130 та, декабрь 100 та	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужаев, О.Камилов), Давлат солиқ инспекцияси (Р.Аширматов), Аҳоли бандлигига кумаклашиш маркази (О.Камилов)	340 та	600 та	1300 та

7	Ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш.	Туманга белгилаб берилган 207 нафар ишсиз хотин-қизларнинг иш жойларига жойлашириш ёки касбга қайta тайёрлаш.	Тумандаги ишсиз хотин-қизларни ишга жойлашириш ёки бошқа мутахассислик бўйича қайta тайёрлаш, тадбиркорлик қилиш истагидаги бўлганинг Бандлик жамғармаси томонидан жами 65 млн. сўмлик субсидия ёки «Хотин-қизларни ва оиласни кўпич-куватлари» дастури доирасида 650 млн. сўмлик имтиёзли кредит маблаглари ажратилишини таъминлаш.	2020 йил якунин октябрь 30 та ноябрь 25 та декабрь 15 та	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужанов, З.Азимбаева), Агробанк Тошкент шаҳар филиали, Ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Камилов)	70 та	100 та	250 та
---	--	---	--	---	--	-------	--------	--------

III. Илтиҳодиётнинг раҳобатбардошилиги ва диверсификацияси курсаткичлари бўйича:

8	Саноат маҳсулотларининг экспорт ҳажмими ошириш.	2020 йил якуни билан туман саноат маҳсулотларининг экспорт ҳажмими 45,1 млн. АҚШ доллари миқдорига ошириш (2019 йил бу курсаткич 41,0 млн. АҚШ долларини ташкил этган)	2020 йилда экспортёр корхоналарга амалий ёрдам курсатиш, шу жумладан банк кредитлари ҳисобига фаолиятни модернизация ва диверсификация қилиш натижасида, ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари экспортини 10 фойзга ошириш	2020 йил якуни	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужанов, О.Камилов), Статистика бўлими, Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази (А.Юсупов)	10%	3%	5%
9	Иштепмал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмими аҳоли жон бошига улушини ошириш	2020 йил якуни билан 1 трлн. 506,1 млрд. сўмлик иштепмал маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмими ошириш ҳамда аҳоли жон бошига улушини 5,4 млн.сўмга етказиши. (2019 йил бу курсаткич 3,7 млн. сўмни ташкил этган)	Тўлиқ кувватда ишламаётган 7 та йирик корхоналарнинг мавжуд муаммоларини бартараф этган ҳолда, шу жумладан банк кредитлари ажратилиши, ишлаб чиқариш линияларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига, ишлаб чиқариш ҳажмими ошириш	2020 йил якуни	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужанов, О.Камилов), Давлат солик инспекцияси (Р.Аширматов), Статистика бўлими, Туман тиょқорат банклари	5,4 млн.сўм	1,5 млн. сўм	3,3 млн. сўм

IV. Ишбийларнинг мудити ва тадбиркорликни ривожлантириши сифат курсаткичлари

10	Тадбиркорлик субъектларининг яшовчаник даварни ошириш.	Ҳисобот даврида 3 йилдан ортиқ фаолият курсатетган тадбиркорлик субъектлари сонини бутунги кунда мавхуд 7 785 та фаолият курсатетган тадбиркорлик субъектлари сонига тенглашириш	Туманда фаолият курсатетган 7 785 та тадбиркорлик субъектларига кўмак курсатиш, муаммоларини бартараф этипиши, банк кредитлари ажратилиши ҳамда жой муаммоси мавжуд тадбиркорларга туманда самарасиз турган буш жойлар бирютирилишида амалий ёрдам берилсини ҳисобига фаолият даварни узайтириш	Доимий	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужанов, О.Камилов, Ш.Шаракров), Давлат солик инспекцияси (Р.Аширматов), Статистика бўлими, Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази (А.Юсупов). Туман тиょқорат банклари	Рўйхатга олинган санасига мувофиқ	Рўйхатга олинган санасига мувофиқ	Рўйхатга олинган санасига мувофиқ
11	Тадбиркорлик субъектларининг фаолигини ошириш.	Туманда фаолият юритмаётган 345 та тадбиркорлик субъектларини фаолиятни тиклаш.	Туманда фаолият курсатмаётган 345 та тадбиркорлик субъектларига кўмак курсатиш, мавжуд муаммоларини бартараф этиши юзасидан алоҳидан ёндошган ҳолда ишлаш. Бунда, позим бўлишига караб, банк кредитлари ажратилиши ҳамда жой муаммоси мавжуд тадбиркорларга туманда самарасиз турган буш жойларни бирютирилишида амалий ёрдам курсатилиши ҳисобига фаолиятни тиклаш.	2020 йил якуни, 2021 йил 1-2 чораклари	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужанов, О.Камилов, Ш.Шаракров), Давлат солик инспекцияси (Р.Аширматов), Статистика бўлими, Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази (А.Юсупов). Туман тиょқорат банклари	36 та	10 та	21 та
12	Худудда буш турган ва фойдаланилмаган объектларни таъсиридан санарали фойдаланиш	Хатлов натижасида ишлаб чиқарилган 52 та буш турган объекtlарга ишебтан таъсиридан солик механизми кўлганлиши ҳисобига 937,3 млн. сўм миқдорида кўшимча манба заҳирасини шакллантириш	Туманда буш турган 52 та объекtlарга кўмак курсатиш, муаммоларини бартараф этилиши, банк кредитлари ажратилиши ёки таъсиридан солик механизми кўлганлиши ҳисобига 937,3 млн. сўм миқдорида кўшимча манба заҳирасини яратиш	2020 йил якуни, 2021 йил 1-2 чораклари	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужанов, О.Камилов, Ш.Шаракров), Давлат солик инспекцияси (Р.Аширматов), Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази (А.Юсупов). Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Камилов). Туман тиょқорат банклари	937,3 млн. сўм	315,2 млн. сўм	705,1 млн. сўм

V. Маджалин соликларининг йигуучачилик курсаткичлари бўйича:

13	Туманда мол-мулк ва ер соликларини тушумини ошириш.	13) Туманда мол-мулк ва ер соликларини тушумини ўтган йилга ишебтан 103 фойзга ошириш (2019 йил бу курсаткич 16,4 млрд. сўмни ташкил этган).	Мол-мулк ва ер солиги тўловларини белгиланган муддатда (2020 йил 15 октябрь) қадар йиғлишини таъминлаш	2020 йил 15 октября	Туман ҳокимининг үринбосарлари (А.Хужанов), Давлат солик инспекцияси (Р.Аширматов)	103%	22%	48%
----	---	--	--	---------------------	---	------	-----	-----

VI. Маджалий давлат ҳокимига органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш саварадорлиги ва маълумотларининг очиғлиги курсаткичлари бўйича:

14	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ кабулхоналари орқали туман ҳокимигига келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида қоноатлантириш (2019 йил бу курсаткич 368 тамурузга ташкил этган)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ кабулхоналари орқали туман ҳокимигига келиб тушган барча мурожаатларни ўз вақтида қоноатлантириш (2019 йил бу курсаткич 368 тамурузга ташкил этган)	Туман ҳокимигига келиб тушадиган мурожаатларни ўз вақтида ва ижобий қоноатлантириш орқали тақорорий мурожаатлар сонини камайтириш	Доимий	Туман ҳокимининг үринбосарлари	Мурожаатлар келиб тушишга мувофиқ	Мурожаатлар келиб тушишга мувофиқ	Мурожаатлар келиб тушишга мувофиқ
----	--	--	---	--------	--------------------------------	-----------------------------------	-----------------------------------	-----------------------------------

Халқ депутатлари Учтепа тумани  
Кенгашининг 2020 йил 10 октябрдаги  
2-чақириқ 17-сессияси  
86/17-й -сонли карорига  
2-илова

**Учтепа туманини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ҳолатига оид  
асосий қўрсаткичлардаи иборат маълумотлар базасини шакллантириш, уни  
мунтазам янгилашиб бориш ва амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини  
мониторинг ва тахлил қилиш бўйича тумандаги**

**Ишчи гурухларнинг  
ТАРКИБИ**

Ф.Абдуллаев

- Учтепа туман ҳокими,  
*ишичи гуруҳ раҳбари*

А.Хужанов

- Учтепа туман ҳокимининг биринчи ўринbosари,  
*ишичи гуруҳ раҳбари ўринbosари*

Х.Шукуралиев

- Учтепа туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
қисқартириш бўлими бошлиги ўринbosари,  
*ишичи орган раҳбари*

А.Рустамов

- Учтепа туман молия бўлими бошлиги

А.Камилов

- Учтепа туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш  
маркази бошлиги

О.Комилов

- Учтепа туман инвестициялар ва ташки савдо бўлими  
бошлиги

З.Азимбаева

- Учтепа туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш  
бўлими бошлиги

Р.Аширматов

- Учтепа туман давлат солик инспекцияси бошлиги

Лавозими бўйича

- Учтепа туман статистика бўлими бошлиги

А.Юсупов

- Учтепа тумани Савдо-саноат палатасининг  
тадбиркорларга кўмаклашиш маркази раҳбари

А.Халмуминов

- АТ Халқ банки Учтепа тумани филиали  
бошқарувчиси

А.Абдурахманов

- Милий банк Учтепа тумани филиали бошқарувчиси

Р.Мақсудов

- АТ Ўзсаноатқурилишбанк Учтепа тумани филиали  
бошқарувчиси

У.Нарзиев

- АТБ “Хамкор банк” Учтепа филиали бошқарувчиси

Т.Якубов

- АТИБ Ипотека банк Учтепа тумани филиали  
бошқарувчиси

Б.Маманазаров

- ХАТБ “Давр-Банк” Учтепа филиали бошқарувчиси

З.Акрамов

- АТБ “INFIN BANK” Учтепа филиали бошқарувчиси

Қ.Ибрагимов

- АИТБ “Ипак йўли” банки Учтепа ткмани филиали  
бошқарувчиси

**Изоҳ:** Бош вазирнинг қабулхоналари негизида ташкил этиладиган Ишчи гурухлар таркибига  
тегишли бошка манфаатдор ташкилотлар мутахассислари жалб этилиши мумкин.